
ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ФУҚАРОЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров турли масалалар бўйича вилоят ҳокими номига мурожаат билан чиққан фуқароларни қабул қилди

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган сайёр қабул жараёнида 60 нафардан зиёд фуқаролар вилоят раҳбари билан юзма-юз учрашиб, ўзларини қийнаётган муаммоларини билдирди.

Вилоят ҳокими фуқаролардан келиб тушган мурожаатларнинг ҳар бирини батафсил тинглади, 20 та мурожаат қабул чоғида ҳал этилди. Қолган мурожаатлар бўйича масъулларга ўрганиб чиқиб, масалани ҳал этиш топшириғи берилди. Ушбу топшириқлар ижроси назоратга олинди.

2024-09-09 15:20:59